



Ёз бошланиб, Яксарт бўйидаги чўлларда ўтлар қовжирай бошлади. Бу ерларда яшовчи шак қабилалари серўт яйловларга кўчиш тараддудига тушишди. Янги ерларга кўчиш чорвачилар учун бир байрамдек эди. Улар баҳор мавсумида яшаб ўрганиб қолган ерларини ташлаб кетиш олдидан бир-бирлариникига кўноқ бўлиб борар, доривор ўтларни еб семирган бияларнинг сутидан тайёрланган ўткир қимизларни ичиб маст бўлган йигитлар қизлар билан лапар айтишар, вақтичқлик қилишарди.

Бирок бу сафар одамларнинг кўнглига қил қилмас, ўтловлардан на қўшиқ товуши ва на қизларнинг хушқакчак қулгиси эшитиларди. Баланд бир ерга қурилган қатта оқ ўтовни эғниларига ярқок теридан қамзул, бошларига учи ингичка, узун қалпоқ қийган қуролли соқчилар қўриқлаб турардилар.

Ўтов ичида эса шак кабилаларининг оксоколлари кенгаш куриб ўтирардилар. Тўрга солинган айик териси устида чордона курган Рустак оксоколларига вазиятни тушунтирарди:

— Эрон шохи Дараявуш Ўкуздан кечиб, Сўгдияни босиб олди. Эронийлар эл-юртни талаб, эркакларни кул, хотинларни асир килиб олиб кетаётирлар. Энди навбат бизга келди. Даракчиларимиз шохнинг биз томонга Роносбат бошчилигидаги катта бир кўшинни юбормокчи бўлганлигидан дарак бераётирлар...

Рустак — соч-соколи окарган, бир оз мункайиб, чўкиб колган суякдор чол. У бир вақтлар кенг ягринли, баланд бўйли пахлавон эди. Яккама-якка жангларда шак уругининг душманларидан кўп баходирларни ер тишлатган, унинг номи Сўгдияда ҳам, Эронда ҳам машхур эди.

Хозир у шаклар ва сўгдияликларнинг ашаддий душмани бўлган Эрон шохи ва унинг кора ниятлари тўгрисида гапирар экан, газабдан нафаси тикилар, кўзлари ўт сочар эди. У гапни тутатиб, душманни даф этмок учун қандай чоралар кўриш кераклиги тўгрисида ўз фикрларини айтишни уруг оксоколларидан сўради.

— Кўлидан иш келмайдиган чоллар, кампирлар, болалик хотинларни кўй ва йилкилар билан узок чўлларга юбориб, колган эр ва аёлларнинг барини куруллантурсак ва душман билан бир томчи конимиз колгунча урушсак, деб гап бошлади уруг оксоколларидан Саксфар. У олтмишга бориб колган бўлса-да, ёшлардек икки бети кип-кизил, сергайрат ва таваккалчи одам эди. — Уруш кулфати беномуслик машаккатидан яхшироқ. Золим Эрон шохига кул бўлгандан кўра жанг майдонида ўлган афзал...

Рустак унинг узундан-узок гапини сабр билан тинглаб, бошини куйи солганча ўйланиб колди.

— Жангда мардларча ўлмок осон гап, лекин душманни янчиб ташлаб, ундан касос олмок кийин. Биз мардлик кўрсатиб, номимизни колдириш тўгрисида эмас, балки эл-юртимизнинг эркини қандай сақлаб қолиш тўгрисида ўйламогимиз керак, — деди у кизиккон Саксфарга қараб.

Оксоколлар мум тишлагандек мик этмай ўтирар эдилар. Кўп мамлакатларни босиб олиб, жанг майдонларида кўп тажриба орттирган, яхши курулланган Эрон кўшини билан урушмок жуда кийин эканлиги уларга аён эди.

Бошликлар бу мушкул муаммони ечиш учун бош котириб ўтирганларида, ўтов эшиги олдида турган курулли йигит Широк деган бир чўпоннинг киришга ижозат сўраётганини билдирди.

— Широк!— деб қошини чимирди Рустак,— Ким у?

— Широк бизнинг уругдан. Бутун умри чўпонлик билан ўтган,— деди Саксфар. — Ўзи жуда фаросатли, доно, дostonчи чол. Эски чалдиворлардан чаён ушлаб ўзини чактиради. Огрик сезмайди. Айтишларича, ёшлигида илон уни чакиб олганда аллакандай гиёхларни суртиб тузалиб кетган эмиш. Ўшандан бери илон-чаёндан кўркмайди.

— Андог бўлса, чакир буёкка ўша чолни.

Эшикдан ёши олтмишдан ошган, тетиккина, барваста бир чол кириб, таъзим килди.

— Ижозат берсанглар, мен ҳам каторингизга ўтириб, ўз фикримни айтсам. Нима тўғрида гаплашаётганингизни биламан.

— Ўтир, ўтир, гапингга кулок соламиз, — деди Рустак.

— Эрон шохининг аскарлари Сирдарё остидаги кум доналаридан ҳам кўп, уларни жангга чорлаб, енгиш махол.

Шундай бир хийла топмок керакки, душманнинг оёғи тойиб, халокат жарига кулаб

тушсин.

— Кани, айт, кандай хийла ўйлаб топдинг?— деб сўради Рустак.

— Буни факат сенга айтаман. Оксоколлар ўтовингни тарк этсинлар.

Рустак бу гапни эшитиб афтлари бурушиб кетган оксоколларга бир караб олди-да:

— Нима, сен шу улуг зотларга инонмайсанми?— деб сўради.

— Инонаман, улар эл гамини ейдиган халол одамлар, ўлсалар хам душманга сир бой бермайдурлар. Аммо уларнинг якин дўстлари, инилари, ўгиллари, хотинлари бор. Мен айтган гапларни беихтиёр уларга айтиб кўйишлари мумкин. Уёги маълум, эл огзига элак тутиб бўлмайдур. Оксоколлар мени кечирсинлар...

Уруг бошликлари бирин-кетин ўринларидан туриб чикиб кета бошладилар.

Ок ўтовдан нарироқда чўккайиб ўтирган оддий кўчманчилар Широқни яхши танир, унинг кўбиз чалиб айтган дostonларини кўп маротаба тинглаган, ўзи хам дostonларда мадх этилган шерюрак одамлардан бири эканлигини билар эдилар.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Широқ ўтовдан чиқди. Уни кўргач, кўчманчилар дахшатга тушиб ўринларидан сакраб туриб кетдилар. Кекса чўпон кесилган икки кулоги ва бурнига куйдирилган наMAT босиб, сизиб оқаётган конни тўхтатишга харакат киларди. Кутилмаган бу фожиадан газабланган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар:

— Кулок-бурнингни нега кесдилар?

— Сен шўрлик нима гунох килиб эдинг?

Ранги мурдадек оқариб кетган Широқ тишини тишига кўйиб, ўзини бардам тутишга уринар, уругдошларининг саволларига жавоб бермасди. Уни бир жойга ўтказиб, куйдирилган наMAT билан конини тўхтатдилар. Чолнинг сахро шамоли ва чўл куёшидан корайган юзида газаб аломати йўқ эди. У ўзига келгач, ўрнидан турди-да, кунботиш томонга караб кетди. Ханг-манг бўлган кишилар унинг орқасидан караганларича котиб колдилар.

Дехкончилик ва богдорчилик билан шугулланувчи сўгд халқини итоатга келтирган Эрон шохи Яксартнинг сўл киргогидаги кўчманчилар устига юриш олдидан дам олмоқда. У етти пахса девор билан ўралган бог ўртасидаги баланд шийпонда ўз аъёнлари билан май ичиб, шакаргуфторлик килиб ўтирарди.

Мулозимлардан бири шийпон ёнига келиб таъзим килди-да, кулок-бурни йўқ галати бир чол шох хузурига киришга изн сўраётганини билдирди. Доро суриштириб, келган одамнинг шак кабиласидан эканлигини билгач:

— Майли, кирсин,— доди.

Икки куролли мулозим бошлаб келган Широқ шохдан ўн беш кадамча берида тўхтади-да, ер ўпди ва ўрнидан туриб, таъзим килганича котиб колди.

Доро баланд бўйли, кушбурун, чиройли одам эди. Унинг понага ўхшаган соколи кўкрагига тушган ва майин таралган. Устидаги тўк кизил заррин тўни йилтирар, кўлидаги узун асо дастасига кадалган кимматбахо тошлар коронги кечадаги юлдузлардек чараклар эди. Тош кўгирчокка ўхшаган икки мулозим уни секин-секин елпиб турарди.

Доро камон кошларини чимириб, баланд овоз билан:

— Хой одам, ўзинг кимсан, отинг нима ва кайси уругдансан?— деб сўради.

— Отим Широқ, ўзим шак уругиданман,— жавоб килди чол.

— Келиб менинг истирохатимни бузмоқдан максатинг надир?

— Максатим мулозамат камарин белга боглаб, умримни сиз шаханшоҳ хизматида ўтказмоқдир. Жанобларига хайрхоҳ бўлганим туфайли кабиладошларимдан каттик

сита́м кўрдим. Уларга мен: «Шохи Эрон билан урушаман, деб чиранманг, сизларни бир хамлада зеру забар килгай, яхшиси, итоат камарин боглаб бориб, ул зоти бобаракотнинг этакларидан ўпинг», дедим. Бу гапдан хабар топган хукмдоримиз Рустак газабга минди на менинг кулок-бурнимни кестирди. Мен энди сизнинг ёрдамингиз билан ундан ўчимни олмокчиман. Агар ижозати олий бўлса, енгилмас кўшинингизни ёлгиз подачилар биладиган сўкмоклар билан шак лашкарларининг оркасидан олиб чиқар эдим, кейин уларни килич дамидан ўтказмок кийин эмас...

Широкнинг гапини эшитиб, Доро ўйга толди. Агар жанговар шак кабилалари шу йўсинда яксон килинса, Ўкуз билан Яксарт ўртасидаги серунум ерларни босиб олган Эрон лашкарларининг бехатарлиги таъмин этилган бўлади. Аммо бу кекса чўпонни бир синаб кўрмок керак.

Широк шохнинг ишончсизлик кўзи билан караётганини фахмлаб, ўз сўзиппнг тўгрилигини исбот килишга киришди:

— Ахир кулок-бурнимнинг яқиндагина кесилгани кўриниб турибди-ку! Бизникилар бекорга ўз уругларига бундай сита́м етказмайдулар.

У ўйлаб кўйган далилларини келтириб, узундан-узок гапирди ва ўзининг Эрон шохига содиклигини, шакларга душман эканлигини исбот килишга тиришди, сўзининг охирида Кўёш тангрисини шафе келтириб онт ичди.

Доро саркардалари билан маслахатлашиб, шаклар устига кўшин юборишга, Широкни эса йўл бошловчи килиб олишга қарор берди.

Эрон аскарлари йўл бошловчининг маслахати билан етти кунлик сув, озик-овкат ва ем-хашак олиб йўлга чиқдилар ва дарёнинг чап киргогидаги кум сахроларидан бориб шакларга орка томондан хужум килмокчи бўлдилар.

Дастлабки кунлар йўл унча машаккатли бўлмади. Чўл ўтлари энди ковжираб келаётган бўлса ҳам онда-сонда булоклар атрофида кўм-кўк ўтлоқлар учраб турарди. Бора-бора чўл сахрога айланди, одамлар ва отларнинг сувга эhtiёжи оша борди. Афсонавий отларнинг такаларига ўхшаб уюлиб қолган кумтепалардан ошиб ёки четлаб ўтиш осон эмас эди. Қора терга тушиб хансираган отлар оёқларини кумдан аранг тортиб олиб, бошларини куйи солганларича битта-битта қадам ташлаб борарди. Сахронинг берахм куёши ёмон ниятда қолаётган бу курулли одамларнинг бошидан олов сочар, ичларини куйдириб, ташналиқдан лабларини ковжиратар, кумлар устида жимирлаб турган кайнок хаво ўпкаларини ёндирарди.

Лашкарбошиларшг тоқатлари тоқ бўлиб, шаклар лашкаргохига қанча масофа қолганини Широкдан суриштира бошладилар. У эса манзилга яқинлашиб қолганликларини ва яна икки кун юриш кераклигини айтиб, бошлиқларни юпатарди. Бирок сермашаккат сафарнинг еттинчи кунини ҳам шаклардан дарак топмадилар. Хаммаёқ дашт-биёбон, одам юрса оёғи, куш учса қаноти қуяди. Сув, озик-овкат, ем-хашак тамом бўлган, ориклаб кетган отлар ер искаб сув кидиради, ковжираган лаблари шишиб кетган одамлар бир култум сув учун бир йиллик умрларидан кечигишга тайёр!

Широкни ўртага олиб: «Бизни қаерга бошлаб келдинг, аблах!— деб кисти-бастига олдилар. Аскарбошилардан бири уни ёқасидан ушлаб силтади ва ҳақорат қила бошлади. Широк ёқасини унинг кўлидан куткариб, нама́т қалпогини бошидан олди-да, соражин ва кенг пешонасидаги терини артди. Унинг ковжираган лаблари истехзоли табассумдан ёришиб, кийик кўзларида ўт чакнаб кетди. Атрофини қуршаб олган газабли чехраларга магрур қараб туриб, қалпогини ерга бир урди-да, қахқахлаб қулиб юборди:

— Мен енгдим, Доро кўшинини бир ўзим енгдим! — дсди у қичкириб.— Сизларни алдаб

сахронинг кок ўртасига олиб келдим,— кўли билан кунчикиш ва кунботиш томонни кўрсатди. — Буёги хам етти кунлик йўл, буёги хам. Истаган томонингизга бораверинг! Менинг гўрим шу ерда,— деб оёги остини кўрсатди.

У ўз муродига етгани учун мукаддас оташ ва сув худосига шукур килиб, аллакандай бир дуони ўкиди. Дархакикат, у ўз элини кулликдан куткариб қолиш учун жонидан кечган, ёвуз душманни хийла тузогига илинтириш учун минг турли азоб-укубатни бўйнига олган эди. Мана энди у ниятига етди, душман аскарини халокат жари ёкасига бошлаб келди. Энди душман нима килса килаверсин!

У Рустакнинг хузурига кирганида шундай деган эди:

— Агар менинг бола-чакам ва невараларимни унутмасанг, ўз ширин жонимдаи кечиб, юрт бошига келган балони даф этардим. Душманни даф килмок учун бир хийла ўйлаб топдим. Умрим охирлаб колди, ахир бу дунёдан кетмок керак. Мен эл-юрт учун ўлимнинг ширин шарбатини ичмокка қарор килдим... Гапимга кулок сол...

Хукмдор унинг гапини охиригача тинглаб, фикрини маъқуллаган эди. Шунда у ёнидан ўткир пичогини олиб, ўз кулок-бурнини кесган ва гўё ўз элига хиёнат килган бўлиб, душман орасига кирган эди...

Газабдан кўзлари олайиб, афт-башараси бужмайиб хунук бўлиб кетган Эрон саркардалари Широкни ўраб олиб, уни ура бошладилар. Саркарда Роносбат дабдаласи чиккан Широкни улар кўлидан куткариб, бир четга олиб чикди-да, сув ичирди, сўнгра чодирига олиб кириб, уни яхшиликча йўлга солмокчи бўлди. Энди Эрон саркардаси шаклар устига юриш килиб, уларни тор-мор этишни хаёлидан чиқариб ташлаган, у факат кўшиини халокатдан куткариб қолишни ўйларди.

— Агар сен сахро кудуклари ва чашмаларини бизга кўрсатсанг, гунохингдан кечиб, Сўгдияда истаган кишлоклардан бирини сенга инъом килардик.

— Ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган кўлимни кесиб ташлаганим маъқул,— деди у гапни киска килиб. Халокат ёкасида колган эронийлар аччикларига чидай олмай фидокор чўпонни чошиб, кийма-кийма килиб ташладилар.